“ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”
МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

–кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - **5 дақиқагача**;

–ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - **3 дақиқагача**;

–ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - **1 дақиқагача**;

–саноқ комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - **10 дақиқа**.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 27 193 650 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

2. Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш

О.Саидхонов – Жамият Бошқарув раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамиятини “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилсин.

2. Жамият Кузатув кенгаши ҳамда Бошқарув органига Жамиятни қайта ташкил этиш бўйича барча зарур ташкилий ва амалий чора-тадбирларни амалга ошириш юклатилсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 762 та овоз ёки 98,93%, қабул қилинди;
«Қаршилар» -291 888 та овоз ёки 1,07%;
«Бетарафлар» - йўқ.

3. Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби ва шартларини тасдиқлаш

О.Кадиров – Жамият инвестиция маслаҳатчиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “FB BUSINESS CONSULTANTS” МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилотининг 2026 йил 07 январдаги баҳолаш ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамиятини “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият бошқарув раисига акциядорларнинг талабига кўра уларга тегишли акцияларни бозор қиймати бўйича 2026 йил 30 мартга қадар қайтариб сотиб олишга рухсат этилсин.

4. Жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 27 096 358 та овоз ёки 99,64%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - 97 292 та овоз ёки 0,36%;
«Бетарафлар» - йўқ.